

**ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 29209**  
(Таъмирлаш ишларини амалга ошириш хақида)

2022 йил “28” июнь

Марғилон шаҳри

**Марғилон шаҳар ҳалқ таълими бўлими кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи номидан раҳбари Г.Н.Каюмова бир томондан ва "COMFORT LIFE BUILDING" хусусий корхонаси кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилувчи номидан раҳбари Ж.Ахунджанов иккинчи томондан куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар,**

**1. Шартнома предмети.**

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топширифига асосан Марғилон шаҳар ҳалқ таълими бўлими тасарруфидаги 8-умумтаълим мактаби биносини лойиҳа-смета хужжатларига асосан жорий таъмирлаш ишларини бажаришни ўз зиммасига олади ҳамда амалдаги қурилиш меъёр ва қоидалари бўйича сифатли иш бажаради.

**2. Шартнома баҳоси.**

2.1. Шартнома баҳоси **800 000 000.00** (Саккиз юз миллион) сўмни ташкил қилади.

**3. Тўлов шартлари.**

3.1. Бажариладиган ишлар қийматини 30 % миқдорида Буюртмачи томонидан олдиндан Пудратчи ҳисоб рақамига ҳақ ўтказиб берилади.

3.2. Бажарилган таъмирлаш ишлари Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда тегишли қурилиш меъёrlарига риоя қилган холда Ф-2 далолатномаси асосида қабул қилиб олинади.

3.3. Шартнома бўйича бажарилган иш учун ҳисоб-китоб ҳар ойнинг якунида амалга оширилади ва якуний ҳисоб-китоб иши тўлиқ тамомлангандан кейин, (бунга ишни қабул қилиб олиш жараёнida аниқланган камчиликларни бартараф қилишни ҳам қўшиб) Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3.4. Бажарилган ишни маҳсус комиссия томонидан қабул қилиб олинмаса, бажарилган ишга ҳақ тўлланмайди.

**4. Мажбуриятларни бажариш муддатлари.**

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни белгиланган календар иш режасида назарда тутилган муддатларда бажаради.

4.2. Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишга белгиланган муддатда ҳақ тўлаши маҳаллий бюджетдан мунтазам равишда маблағ ажратиб беришга боғлиқ эканлигини, шу сабабдан бажарилган ишлар ҳақини тўлаб бериш муддати 6 ойгача узайтирилиши мумкин. Бу муддат бажарилган пудрат иши якунини маҳсус комиссия томонидан қабул қилиб олинган санадан ҳисобга олинади.

**5. Тарафларнинг мажбуриятлари.**

**5.1. Пудратчи:**

5.1.1. Ўз ишчи кучи ва техника воситалари билан календарь иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла ҳажмда ва муддатида бажарилиши ва тегишли лойиҳа хужжатларидаги ҳолатида ишларни Буюртмачига жорий ойнинг 28 кунига топширилиши;

5.1.2. Объектга лойиҳага биноан зарур бўлган материалларни конструкцияларни бутловчи ашёлар етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириш;

5.1.3. Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва объектни қўриқлаш бўйича зарурий чора тадбирларни бажарилишини таъминлаши керак.

**5.2. Буюртмачи:**

5.2.1. Календарь иш режасида белгиланган ҳажмда ва муддатда объектни Пудратчига топшириши;

5.2.2. Пудратчидан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 хафта ичida объектни қабул қилиши шарт.

**6. Тарафларнинг жавобгарлиги.**

6.1. Буюртмачи бажарилган пудрат ишлари маҳсус комиссия томонидан қабул қилингандан бошлаб 6 ойгача ҳақни тўлаб бермаса, кечиктирилган ҳар бир кун учун кечикритилган тўлов суммасининг 0,4% миқдорида пеня тўлайди.

6.2. Пудратчи шартнома шартларини бузса, белгиланган муддатда пудрат ишларини тугатмаса, кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди.

6.3. Жами томонлардан ундирилган пеня суммаси низоли сумманинг 50% ошмаслиги лозим.

**7. Форс-мажор ҳолатлари.**

7.1. Тарафларнинг бирортаси ҳам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдидан кўра билиши ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ҳолатлар ва хатолар унга қўшиб уриш эълон қилиниши ёки амалда

бошланган фуқаролик тартибсизлиги, вабо тарқалиши, блокада, эмбарго, ер кемирилиши, сув босиши, ёнгин ва бошқа табий оғатлар билан боғлиқ холда бажармаганларни учун жавобгар бўлмайдилар.

7.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларни мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлиги Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид қарорлари ёки ва бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиги бўлиб хисобланади.

7.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга уни таъсир кўрсатиши ёки монеълик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7.4. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар З ой давомида мунтазам таъсир этаётган бўлса ва тугаш белгилари аниқланмаса, ижарага берувчи ва ижарага олувчилар бошқа тарафга хабар юбориш йўли билан ушбу шартнома бекор қилиниш мумкин.

#### **8. Низоларни ҳал қилиш тартиби.**

8.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлик пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.

8.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартиба хўжалик судида кўрилишига тегишли бўлади.

#### **9. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби.**

9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равища расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ҳолларда ҳақиқий кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган заарларни қоплаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи қўидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга хақли:

Пудратчининг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан тўхтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларни тамом бўлиш муддати 1 ойдан кўпга ошиб кетганда;

Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларни сифати пасайганда.

9.4. Пудратчи қўидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга хақли:

Буюртмачи томонидан Пудратчига боғлик бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш монтаж ишларини боришини 1 ойдан ошадиган муддатда тўхтатиб турганда;

Буюртмачи томонидан кейинчалик қуришни молиялаш имконияти йўқолганда.

9.5. Буюртмачи ва Пудратчининг биргалиқдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда Буюртмачига тутатилмаган қурилиш топширилади. Буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тўлайди.

9.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

#### **10. Томонларни ўзкоррупцияга қарши қўшимча шартлари.**

10.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиши, моддий ёхуд номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинишини кафолатлади.

10.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ва (ёки) асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равища (электрон тизим орқали) ёки ишонч телефонлари орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда, томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш хукуқига эга бўлиб, мурожаатни олган томон 10 (үн) иш куни мобайнида тушунтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

10.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатларда хавф-хатар бартараф этилмай, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ёки унинг ижросини тўхтатиб кўйиш хукуқига эга.

#### **11. Бошқа шартлар.**

11.1. Объектлар ва унга киравчи инженерлик тизимлари жихозлар материаллар ҳамда ишларнинг меъерида ишлашига кафолатланган муддати унинг учинчи шахслар тарафидан кўзланган ниятда шикас етказган ҳоллари бундан истисно қилинади. Объектни қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани тарафлар имзолаган вақтдан бошлаб 2 ой давомида белгиланади.

11.2. Пудратчи томонидан бажарилган ишларга 3 йил кафолат муддати белгиланган.

11.3. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларнинг бартараф кўлиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлама далолатномасида акс эттирилади.

11.4. Агар пудратчи аниқланган камчиликлар далолатномаси қўрсатилган муддат ичидаги бажарилган ишларнинг бунга жиҳозларни ҳам қўшиб камчиликларни бартараф қиласа уларни буюртмачи бошқа бажарувчининг кучи билан ҳаражатларни пудратчи тўлаши орқали бартараф қилишига хақли.

11.5. Пудратчи аниқланган камчиликлар тасдиқлаш иш далолатномасини тузиш ёки имзолашдан бош тортганда буюртмачи малака экспертизасини тайинлайди. Экспертиза камчиликлар ва уларнинг тусларини акс эттириш бўйича тегишли далолатнома тузади ҳамда тарафнинг мазкур масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилиш хукуқини истисно қилмайди.

11.6. Пудратчи қурилиш обьектини лойиха хужжатларини ёки унинг айрим қисмларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирорта учинчи шахсларга сотиш ёки бериш хукуқига эга эмас.

11.7. Пудратчининг айби билан обьектни куриш натижасида учунчи шахсларга етказилган зарар Пудратчи томонидан буюртмачининг айби билан бўлса буюртмачи томонидан товон тўланади. Пудратчи барча ҳолларда ҳатто тегишли ҳаражатларни буюртмачи қоплаган тақдирда ҳам етказилган зарарни тугатиш учун тезкор чораларни кўради.

11.8. Хукукни химоя қилувчи органлар томонидан нархларда ёки бажарилган иш ҳажмида камомад аниқланган тақдирда ушбу камомад пудратчи ташкилот томонидан тўланади.

11.9. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва ҳар бир томонда бир нусхадан сақланади.

11.10. Ушбу шартнома бюджет ташкилотлари учун ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик кучга киради ва 2022 йилнинг “31” декабригача амалда бўлади.

## 12. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари:

«Пудратчи»

**"COMFORT LIFE BUILDING"**  
**хусусий корхонаси**

(иши бажарувчининг номи)

Манзил: Фарғона шаҳар  
Янги замон кўчаси 2-ўй  
Тел./факс: \_\_\_\_\_  
х/в: 20 208 000 100 928 398 001  
Банк номи: Универсал банк Фарғона бўлими  
МФО: 01 131  
СТИР: 305 786 972  
ОКОНХ: \_\_\_\_\_

«Буюртмачи»

**Марғилон шаҳар ҳалқ таълими бўлими**

(бюджетдан маблаг олувланинг номи)

Манзил: Марғилон шаҳар  
Туркистон кўчаси 263-ўй  
Тел./факс: + 998916762178  
ш/х: 401722860304127092100075010  
СТИР: 200 140 081 ОКОНХ: 96700  
Молия Вазирлиги Ғазначилиги  
Ғазна х/в: 23 402 000 300 100 001 010  
Банк номи: Марказий банк XKKM Тошкент  
МФО: 00 014 СТИР: 201 122 919

Раҳбар: \_\_\_\_\_

Ж.Ахунджанов



Раҳбар: \_\_\_\_\_

Г.Н.Каюмова



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN NORMALARIGA  
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

2022-yil 28-iyun

Marg'ilon shahri

**1. Loyihaning raqami:** FQ65426212.

**2. Loyihaning turi:** Shartnoma.

**3. Loyihaning nomi:** Marg'ilon shahar xalq ta'limi bo`limi tasarrufidagi 8-umumiy o`rta ta`lim maktabi binosini loyiha-smeta hujjatlariga asosan joriy ta`mirlash ishlarini amalga oshirish haqida.

**4. Loyerha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:**

Loyerha, Marg'ilon shahar xalq ta'limi bo`limi (buyurtmachi) va "COMFORT LIFE BUILDING" XK (pudratchi) tomonidan ishlab chiqilib, 2022-yil 28-iyun kuni dasturga kiritilgan.

**5. Loyerha yuzasidan huquqiy xulosa:**

Marg'ilon shahar xalq ta'limi bo`limi (buyurtmachi) va "COMFORT LIFE BUILDING" XK (pudratchi) o`rtasida tuzilayotgan joriy ta`mirlash ishlarini amalga oshirish haqidagi shartnoma loyihasida (*summa: 80000000 so'm*) ko`rsatilgan munosabatlar O'zbekiston Respublikasining «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida»gi Qonuni va Fuqarolik kodeksi bilan tartibga solinadi hamda shartnomada nazarda tutilgan taraflarning javobgarligi va nizolarni xal etish tartibi yuqorida zikr etilgan qonunchilik talablariga mos keladi. Qayd etilganlarni inobatga olib shartnomani tuzish maqsadga muvofiq.



**Marg'ilon shahar adliya bo`limi  
YuXK markazi bosh yuriskonsulti,  
2-darajali yurist**

**A.A.Usmonov**